



Iftixor

Давлат герби – истиқлолимиз, фахру ифтихоримиз тимсоли

Бундан 23 йил муқаддам — 1992 йил 2 июлда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги тарихий Қонун эълон қилинган. Ушбу Қонунга мувофиқ мустақил давлатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос олий рамзларидан бири — Давлат герби тасдиқланди.



Бу билан мамлакатимиз мустақиллиги янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон халқи ўз кадр-қимматини, гурурини, тарихи ва миллий қадриятларини чуқурроқ англай бошлади. Халқимиз ўзи истаган ва танлаган йўл — эркин, овоз ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида яна бир муқаддас тимсолга эга бўлди. (Давоми учинчи бетда)

Маълумки, одил судловни амалга ошириш, жамиятда қонунустуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда қонуннинг вақт бўйича амал қилиши институти ҳам муҳим ўрин тутди.

Mezon

Қонуннинг вақт бўйича амал қилиш институти

қонунийлик ва ижтимоий адолатни таъминлашда муҳим ўрин тутди

Шу маънода амалдаги Жиноят кодексидagi "Қонуннинг вақт бўйича амал қилиши"га (13-модда) оид норманинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиш талаб этилади. Айтиш керакки, "вақт" атамаси кенг маънони англатади. Ҳўш, юридик адабиётларда қўлланиладиган вақт тушунчаси қандай изоҳланади? Мазкур ҳуқуқий атаманинг моҳиятини англашда аввало, унинг фалсафадаги замон ва макон тушунчалари билан узвий боғлиқлигига эътибор қаратиш лозим. Изоҳли луғатларда вақт — оламнинг муҳим атрибутларидан бири бўлиб, макон-

нинг замонда кечишининг асосий мезони, бу жараённинг даврийлиги ва давомийлиги, чексизлигини ифода этади, деб қайд этилган. Замон ҳақида сўз юритилганда эса, унинг чексизлиги эътироф этилади. Эътиборли жиҳати шундаки, замон фақат бир томонлама, яъни илгарилардан бориш хусусиятига эга. Аммо шунга қарама-қарши, илм-фаннинг турли соҳалари, жумладан, ҳуқуқий фанлар, айниқса, жиноят ҳуқуқида вақт категорияси алоҳида институт сифатида ўрганилиб келинади. (Давоми учинчи бетда)

Маълумки, инсоннинг камолотга эришишида тинч-тотув, аҳил оилавий муҳит ўта муҳим ўрин тутди. Зеро, соғлом фикрли, ота-онанинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашини ҳис қилган ва шундан куч олган фарзандлар келажақда ишончли оқлашга ҳаракат қилишади.

Huquq va majburiyat

Фарзанд камолоти

ота-она зиммасига алоҳида масъулият юклайди

Айтиш керакки, Оила кодексининг 96-моддасида ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шартлиги қайд этилган. Шунингдек, Жиноят кодексининг 122-моддасига биноан моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин

товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик эса, жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. (Давоми тўртинчи бетда)

МАЪНАВИЯТНИ АСРАШ – АВВАЛО ИНСОНИЙЛИКНИ, ИНСОННИНГ ЎЗИНИ АСРАШ ДЕМАҚДИР

"Мамлакатимиз аҳолисини, замондошларимизнинг ҳаёти ва дунёқарашини кечаги — 90-йиллардаги одамларнинг ҳаёти ва дунёқарашини билан солиштирадиган бўлсак, ўртада ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш, кузатиш қийин эмас".

Президентимиз Ислам Каримовнинг яқинда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табриғида ана шундай эътирофли сўзлар бор.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик йилларида миллий давлатчиликни шакллантириш билан боғлиқ кенг қамровли ислоҳот ва ўзгаришлар туфайли мамлакатимизда тамомла янги демократик сиёсий тизим шаклланди. Фуқароларимизнинг сиёсий онги ва тафаккурида, дунёқарашинида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнининг қонуний ва мантиқий давоми бўлди. Парламентга давлатимиз раҳбари

томонидан тақдим этилган мазкур Концепция, моҳият-этиборига кўра, узоқ муддатга мўлжалланган миллий тараққиёт дастури бўлиб, у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва

ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини тақомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор ва зифаларни белгилаб берди.

Бу — демократик ислохотлар изчил ва тадрижий, босқичма-босқич ва улуксиз, қатъий ва тизимли жараён эканининг яна бир исботидир. Ушбу жараёнларда, айниқса, фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобланган оммавий ахборот воситалари ўзига хос ўрин тутди.

Шу боис, юртимизда оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Юртбошимиз қайд этганидек, **бунинг тасдиғини охириги 7 йилда соҳа ривожини учун давлат бюджетини ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртмалар ва давлат грантлари шаклида қарийб 13 миллиард сўм маблағ ажратилгани мисолида яққол кўриш мумкин.**

Агар бундан йигирма йил олдин юр-

тимизда 475 та оммавий ахборот воситаси мавжуд бўлган бўлса, бугунги кунда 1 минг 400 дан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг орасида анъанавий ахборот воситалари бўлмиш газета-журналлар, теле ва радиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илғор медиа тармоқлари — рақамли ва мобил телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио, умуман, интернет журналистикаси миллий ахборот майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда.

Кейинги 5 йилнинг ўзига веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортгани ва 300 дан ортиқ кетганининг ўзи ҳам мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзараси тубдан ўзгараётганини намоён этмоқда. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 54 фоизи рақамли телевидение билан қамраб олинган. Оммавий ахборот воситалари юртимизда яшайдиган миллият ва элатларнинг 15 та тилида фаолият олиб боради.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko'magi

Мустаҳкам ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар

амалда қутилган самараларни бермоқда

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига иқтисодий ривожланишнинг муҳим таянчи, халқимиз фаровонлигининг манбаи сифатида алоҳида эътибор қаратилиб, унинг изчил тараққиёт этиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилаётганига ҳар биримиз гувоҳимиз.

Айниқса, Президентимизнинг жорий йилнинг 15 майида қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мазкур фармонга кўра, барча назорат органлари учун режали текширишлар ягона даврийлиги белгиланди. Яъни 2015 йил 1 июлдан бошлаб назорат қилувчи органлар томонидан микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжалиқлари фаолиятидаги барча режали текширишлар кўпи билан 4 йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларида эса, кўпи билан 3 йилда бир марта Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши қарори асосида амалга оширилади.

Айтиш керакки, белгилан-

ган янги меъёр турли назорат органлари томонидан ҳар йили ёки икки йилда бир марта режали текшириш ўтказиш имконини чеклаб, тадбиркорларнинг текширишга ортиқча вақт сарфлашининг олдини олишга ва улар ўзининг асосий фаолияти билан шуғулланишига кўпроқ имконият яратишга хизмат қилади.

Шунингдек, Фармонда тадбиркорлик субъектларида ўтказиладиган молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, яъни бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни ўрганишни талаб этмайдиган режали текширишлар муддати 10 календарь кундан ошмаслиги белгилаб қўйилгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мазкур меъёр ҳам режали текширишлар ўтказиш даврида тадбиркорлик субъектлари ортиқча вақтини йўқотишининг олдини олишга қаратилган бўлиб, эндиликда молия-ҳўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган режали текширишларнинг ўтказиш муддати 3 бараварга қисқартирилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Burch va majburiyat

Солиқлар ва мажбурий тўловлар

иқтисодий барқарорликка ва мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилади

Конституциямизнинг 51-моддасида қайд этилганидек, фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

Ҳақиқатан ҳам, солиқ тўловлари мунтазам адо этилиши, қонунчиликнинг бу борадаги меъёрларига қатъий риоя қилиниши мамлакат тараққиёт суръатларининг жадаллашиши ва халқ фаровонлиги янада ортишининг муҳим омилли ҳисобланади. Ушбу фикрнинг тасдиғини қонунчиликимиз мазмун-моҳиятида янада яққол кўриш мумкин.

Хусусан, Олий суд Пленумининг 2013 йил 31 майда қабул қилинган "Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида"ги қароридида қайд этилганидек, қонун-

да белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилиги солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашга оид мажбуриятни қасддан бажармасликдан иборат бўлиб, бу ҳаракат Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетига пул маблағлари тушмай қолишига олиб келади.

Айтиш керакки, истиқлол йилларида бу борада қўйилган салмоқли ва самарали қадамлар туфайли мамлакатимизда барқарор ва мустаҳкам солиқ ҳамда молия тизими шаклланди. Натижада пенсия ва нафақа таъминотини ташкил этиш, бюджет маблағларини оқилона ва самарали сарфлаш борасида Ўзбекистон жаҳоннинг илғор давлатлари сафидан жой олди.

(Давоми иккинчи бетда)

